



ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ХАТОЛАРИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ПРОЦЕССУАЛ МЕХАНИЗМ СИФАТИДА

О.Б.Акбутаев

Жиззах вилояти Дўстлик туман

прокурори ўринбосари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16835682>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 07-Avgust 2025 yil

Ma'qullandi: 10- Avgust 2025 yil

Nashr qilindi: 13- Avgust 2025 yil

KEYWORDS

прокурор назорати,
дастлабки тергов,
процессуал механизм,
шикоят, илтимоснома.

ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноят ишини тергов қилиш босқичи: суриштирув ва дастлабки терговда суриштирувчи ва терговчилар томонидан йўл қўйилаётган процессуал хатоликлар, уларни тезкорлик билан ва самарали бартараф қилиш масалалари, қонун нормаларини қўллашда юзага келаётган амалий муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, дастлабки тергов хатоларини бартараф қилишнинг самарали механизмларидан бири бўлган прокурор назоратига оид ҳуқуқий асослар, амалий муаммолар таҳлил қилинган.

Жиноят ишини тергов қилиш ваколати юклатилган суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини такомиллаштириш жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларини тўғри қўллашнинг, шунингдек одил судловни таъминлашнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Бироқ, суд-тергов амалиётидан маълумки, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаларига ҳар доим ҳам риоя қилинавермайди. Бу эса кўп жиҳатдан жиноятларни ҳар томонлама тўғри тергов қилиш билан, бу жараёнда тергов органлари томонидан йўл қўйилаётган хатоларни ўз вақтида ва тезкорлик билан бартараф қилиш механизмларининг адолатли йўлга қўйилганлиги билан узвий боғлиқ.

Дастлабки тергов хатоларини бартараф қилишнинг процессуал механизмлари амалдаги қонунчилигимизда назарда тутилган бўлиб, улар жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, ишни кўриш якуни бўйича ҳар томонлам қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Бунда “механизм” моҳиятан техника соҳасига оид атама ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луҳатига кўра, “механизм” “қурол” маъносини англатиб, бир турдаги оддий заррачаларнинг ҳаракатини назарда тутати. Аммо, биз таҳлил қилаётган масала дастлабки тергов хатоларини бартараф қилишнинг ҳуқуқий механизмини назарда тутати. Ҳуқуқий механизм тушунчаси эса “муайян воситалар тизими”, “белгиланган вазифага эришишга йўналтирилган норматив мутахкамланган воситалар мажмуи”, “мақсадга эришиш учун белгиланган ташкилий ҳуқуқий воситалар”, “муайян кўринишдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган ва ўзаро

кетма кетликда ишлайдиган махсус ҳуқуқий воситалар” каби маъноларда ҳуқуқда кенг қўлланилади. Ушбу механизмнинг элементлари сифатида ҳуқуқ нормаларини кўрсатиш мумкин.

Дастлабки тергов ва суриштирув устидан амалга ошириладиган прокурор назорати ва суд босқичида суд томонидан амалга оширилган процессуал ҳаракатлар дастлабки тергов хатоларини бартараф қилишнинг процессуал механизмлари ҳисобланади.

Прокурорнинг ишни судга қадар юритиш давридаги ваколатларини кенгайтириш тарафдорлари: Л.А.Воскобитова, Н.А.Колоколов, О.С.Капинуслар томонидан таъкидлаб ўтилган. Дастлабки терговда қонунийликни ва шу билан бирга бу даврда шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб, айнан прокурор дастлабки терговда қонунларнинг бажарилишини таъминлаши керак. Унинг ваколатлари жиноят иши доирасида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнига, қилмишни малакалашга ҳамда тергов якунига таъсир кўрсата олади.

Прокурорнинг назорат фаолияти дастлабки терговдаги қонунбузилиш ҳолатларига йўқ қўймаслик ва уларнинг олдини олишга қаратилган. Шунинг учун дастлабки тергов органлари фаолияти устидан прокурор томонидан олиб бориладиган назоратни терговчининг мустақиллигини чекловчи омил сифатида тушунмаслик керак. Бошқача айтганда, агарда терговчи жиноят ишини тергов қилиш давомида уни ЖПКда белгиланган тартибда ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона амалга оширадиган бўлса, унинг терговчининг фаолиятига прокурор назоратининг таъсири деярли сезилмайди. Терговчи томонидан қонун талабларига риоя қилмаслик ҳолатларига прокурор муносабатини билдиради.

Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан назорат прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва терговни амалга оширишда қонунийликка риоя этилишини таъминлашдан иборат вазифани бажаришга қаратилган. Шунингдек, прокурор – жиноят процесси назариясида белгиланган асосий функциялардан бири бўлган айблов функциясини амалга оширишга масъул, давлатнинг мажбурлов механизмида муҳим ва ўзига хос ўрин эгалловчи мансабдор шахс. Прокурор тергов устидан назоратни амалга ошириш жараёнида терговчининг қарори нотўғри, асоссиз ёки ноқонуний эканлигини аниқласа, ушбу процессуал ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва терговчи қарорини юридик кучга эга эмас деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382-моддаси ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасида тартибга солинган прокурор ваколатлари унинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар фаолияти устидан нафақат назоратни, балки раҳбарликни ҳам амалга оширишини кўрсатади. Умумий раҳбарлик эса, фаолиятнинг контроль қилинишини, нотўғри ҳужжатлар бекор қилинишини, тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинишини тақозо этади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизга кўра, терговчининг фаолияти устидан бевосита назоратни унинг раҳбари, шунингдек прокурор амалга оширади. Дастлабки терговга масъул шахс сифатида прокурор терговчи томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний ва асослилигини текширади, улар бўйича томонлардан келиб тушаётган шикоятларни ўрганади, заруратга қараб ушбу

процессуал хужжатларни бекор қилади. Бундан норози бўлган терговчи прокурорнинг қарорлари устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Шикоят бўйича эса якуний қарорни яна прокурор қабул қилади, фақат юқори турувчиси. Бундан кўринадики, жараёнга учинчи томонни жалб этишнинг имкони мавжуд эмас. Прокурор ва терговчи фаолиятининг умумий жиҳатлари кўп. Чунки улар умумий мақсад ва вазифаларга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Матвалиев таҳрири остида. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти. <https://n.ziyouz.com>
2. Гончаров, В. В., Пефтиев, И. И. О некоторых вопросах конституционно-правового механизма реализации гражданами Российской Федерации права на альтернативную гражданскую службу // Юридический мир. – 2010. – № 7. – С. 45–49.
3. Матвеева, Е. В. Правовой механизм реализации экологических прав граждан в России и Германии: вопросы терминологии // Экологическое право. – 2010. – № 2. – С. 22–27.
4. Учебное пособие по курсу "Правоведение". Электронное хранилище учебных материалов http://edu.tltsu.ru/er/book_view.php?book_id=1fe6&page_id=26013
5. Skachkova A.E. Mekhanizm pravovogo regulirovaniya kak teoretiko-pravovoy aspekt i vektor nauchnogo issledovaniya // Russian Journal of Legal Studies (Moscow). - 2017. - Vol. 4. - N. 2. - P. 35-42. doi: 10.17816/RJLS18303
6. Воскобитова Л.А. Обвинение или обвинительный уклон?. // Актуальные проблемы российского права. - 2014. - № 3. - С. 455-462. http://nbpublish.com/library_read_article.php?id=-27929
7. Колоколов Н.А. «Великое противостояние»: следователь vs прокурор // Вестник Московского университета МВД России. 2014. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/velikoe-protivostoyanie-sledovatel-vs-prokuror>.
8. Капинус О. С. К вопросу о процессуальном положении прокурора в уголовном судопроизводстве. «Прокурор», 2013, N 2. <https://center-bereg.ru/j319.html>